

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД-5А120201-2.02

2016 йил "9" 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил "22" 01

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ЛИНГВИСТИК
ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	– Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120201	– Қиёсий тилшунослик, лингвистик Таржимашунослик (роман-герман тиллари)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Қамбаров Н.М. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Ибрагимходжаев И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, инглиз тили
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази
раҳбари, доцент, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мазкур дастур “Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” бўйича қардош ва қардош бўлмаган тилларни чуқур ўрганишга, қиёсланаётган тил хусусиятларининг синхрон ва диахрон жиҳатлари бўйича билимларини такомиллаштиришга, қиёсланаётган тилни барча сатҳларидаги ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларини ҳис этиш; генетик қариндошлик ва тил контактлари, қиёсий тилшунослик метод ва методологияларини, тилларнинг ўзаро таъсир этиш жараёнини англаш ҳамда замонавий метод ва методологияларини фарқлаш; тегишли соҳанинг илмий-тадқиқий апаратини ҳамда илмий-педагогик фаолияти кўникмаларини ўргатишга йўналтирилган. Фан талабаларнинг бакалавриат босқичида “Қиёсий типология” фанидан олган дастлабки билимларини чуқурлаштиришга, лингвистик билимларни антик даврдан то ҳозирги кунгача, яъни замонавий тилшунослик назариясини тўлиқ ўргатишни назарда тутди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади – “Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” фани доирасида қўлланадиган илмий апаратини, яъни унга оид терминлар таърифини ва унинг турли талқинларини аниқлаш ва ўрганиш малакаларини шакллантириш ҳамда назария ва амалиётга оид фундаментал маълумотларни бериш, жаҳон олимларининг ушбу соҳага оид илмий изланишлар билан таништириш.

Фаннинг вазифаси - қиёсий тилшунослик фани хусусиятларини таҳлил этиш ва ўрганиш, тушунчалар ва атамалар тизими, атамаларнинг маъно жиҳатидан таснифи, атамаларни турлари, фандаги йўналишлар, ёндашувлар ҳақида билим бериш ва қиёсий тилшуносликнинг асосий тамойилларини ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

- Турли тизимли ва қардош тиллар грамматик жиҳатдан қиёслаш ва чоғиштириш қонуниятларини билиш;
- Қардош бўлган ва бўлмаган тилларни, хорижий ва она тилини чоғиштириш ва қиёслашни билиш;

- турли тизимли тилларни қиёслашнинг илмий методларини фарқлай олиш малакаларига эга бўлиши талаб этилади.
 - Қиёсий тилшуносликнинг ривожланишига хисса қўшган Европа, Россия ва Ўзбекистон олимларини олиб борган тадқиқотлари мазмунини ва уларнинг фанга қўшган ҳиссасини билиш;
 - Қиёсий тилшунослик фанининг фундаментал билимлар асосларини эгаллаш;
 - Турли синхрон ва диахрон тадқиқот методларини фарқлаш ва уларнинг хусусиятларини билиш;
 - Қариндош бўлган ва бўлмаган тилларни қиёслаб тўғри илмий хулоса чиқаришни билиш;
 - касбий фаолият доирасида матнларнинг маданий адаптация ва чет тили нутқининг стилистик қонуниятларига риоя қилиш (етарлича баҳо бермаслик, ортириб баҳолаш) билиш;
 - Ўзбекистонда қиёсий типология ва қиёсий тилшуносликда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
 - жаҳон олимларининг қиёсий тилшунослик соҳасида яратган ва маълум даражада муҳим бўлган назарий ишларни таҳлил қилишни билиш;
 - қиёсий тилшунослик соҳасида ёзилган илмий мақолаларни, монографияларни ва тадқиқотларни танқидий таҳлил қилиш қобилияти;
- Шунингдек,
- қиёсий тилшунослик бўйича илмий адабиётлардан илмий иш ёзиш учун самарали фойдаланиш тажрибасига эга бўлиш;
 - тил бирликлари ва матнни қиёслашда қиёсий тилшунослик методларини қўллаш;
 - қиёсий тилшунослик атамаларни таҳлил қилиш малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” фани ўқув режасидаги лингвотаржимашунослик, илмий-техникавий адабиётлар таржимаси ва таҳлили, оғзаки ва ёзма таржима амалиёти фанлари билан ўзаро боғлиқ. Фан мутахассислик фанлари блокадаги турдош фанлар билан узвий кетма-кетликда ўқитилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Мазкур фан таржимонлик фаолиятини амалга оширишда чет тилида коммуникатив компетенция ва касбий компетенцияларга оид малака ва кўникмаларни ривожлантиради. Илмий-техникавий таржима соҳасида хориж ва ватанимиз олимлари илмий-амалий тажрибасини танқидий ўрганиш ва умумлаштириш жараёнида барча таржима шакллари ва турларини янада такомиллаштириш ва самарали усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти ва саноат корхоналарининг ривожланиш жараёнларида қиёсий тилшунослик назариясига оид фундаментал билимлар асосларини эгаллаган, таржима методларини билиб, уларни амалиётда қўллай оладиган, тегишли соҳага оид терминология ва терминлар классификациясини билладиган, уларни таржима қилиш масалалари ва усуллари эгаллаган таржимонларга бўлган эҳтиёжни қондиришда қўл келади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрантларнинг “Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича тақдимотлар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (тахлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қиёсий-тарихий тилшунослик

XVIII асрда тилга ўзгарувчи, ривожланувчи ҳодиса деб қарашнинг вужудга келиши. Шарль де Брос, Жан-Жак Руссо, Монбоддо, Адам Смит, Пристли, Гердер ва бошчаларнинг тилнинг тарихий тараққиёти ғоясини ўртага ташлаши ва уни ривожлантириши.

XIX асрнинг бошларида тилшуносликка алоҳида фан сифатида карашнинг пайдо бўлиши. Тилшунослик фактларининг тўпланиши ва тил ходисаларига қиёсий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиш. Тиллар ўртасидаги ўхшашликнинг илмий жиҳатдан ёритилиши. Олимларнинг бир қанча тиллар ўртасидаги ўхшашлик қариндошлик, бир умумий қадимий бобо тилдан келиб чиққанлик, . ҳар бир тил кейинчалик мустақил ривожланган деган фикрга келиши. Тилшунослик фанига ва тил ходисаларига тарихий жиҳатдан ёндашиш тилларнинг қариндошлик даражасини изоҳлаш учун асос бўлиши. В.Жонс (1746-1794) санскрит тилини япон ва лотин тиллари билан қиёслаши натижасида улар ўртасида яқинлик ва қариндошлик мавжудлигини аниқлаши.

Немис олими Фридрих Шлегель (1772-1829) «Ҳиндларнинг тили ва унинг донолиги» мисолида лотин, юнон, герман ва форс тилларида нафақат луғат, балки грамматик муносабатларда ҳам қариндошлик мавжудлиги ва уларнинг бир умумий бобо тилдан тарқалганлигининг қайд этилиши.

Тилларни қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш уларга тарихийлик жиҳатидан ёндашиши қиёсий-тарихий тилшуносликнинг алоҳида фан майдонга келишига замин яратиши.

Қиёсий-тарихий методнинг яратилиши

Қиёслаш тилларни ўрганишда усул, восита сифатида, тилларни ўрганишга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш тилни тадқиқ этишнинг асосий мақсади.

Қиёсий-тарихий метод тилшуносликнинг фан сифатида тан олинишидаги ҳамда мустақил фан сифатида тан олинишидаги аҳамияти. Қиёсий-тарихий метод тилшуносликка тарихий ва илмий-назарий асосга эканлиги.

Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Виллиам Жонсб Фридрих Шенгель каби олимларнинг қиёсий тарихий-методнинг яратилишига қўшган ҳиссаси. Ушбу методнинг тўлиқ яратилишига Франс Бопп, Расмус Раск, Якоб Гримм, Александр Востоковларнинг тилшуносликка қўшган улкан ҳиссаси.

Қиёсий-тарихий метод илмий-текшириш усулининг муайян тизими сифатида. Мазкур методнинг қариндош тиллар тарихини ўрганишдаги лисоний ходисаларнинг моҳияти, унинг тараққиётидаги қонуниятларни кўрсатиб бериш ва тушунтиришд вазифалари,

Ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш жараёнидаги тўрт давр:

1. Қиёсий-тарихий методнинг яратилишидан то ёш грамматикачиларгача бўлган (XIX асрнинг биринчи чораги - 1870) давр.
2. Ёш грамматикачилар даври (1870-1890).
3. Ёш грамматикачилардан то Ф. Де Соссюрнинг «умумий тилшунослик курси» асари ва хетт ёзма ёдгорликлари мазмунини аниқлашгача бўлган (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг икки ўн йиллиги).
4. Ф. Де Соссюр ғоялари яратилгандан то ҳозиргича бўлган давр.

Ф.Боппдан то В.Гумбольдгача тилшуносликдаги ғояларини ривожлантириш даври ва бу даврда қиётий тарихий методга асос солиниши ва тилшунослик фанининг асосланиши.

Ҳинд Европа тилшунослигининг ривожланишида Велгельм фон Гумбольд ғояларининг умумий тилшуносликка таъсири. Тилшуносликда янги таълимот ва йўналишларнинг пайдо бўлиши.

Типологик метод

Типологик методнинг хусусиятлари. Типологик методнинг қиёсий-тарихий методдан фарқи. Типологик метод қиёсий-тарихий метод билан ҳамкорликда қўлланадиган ва уни тўлдирадиган метод сифатида. Типологик методнинг чет тилларини ўрганишдаги аҳамияти. Типологик метод учун тилнинг қайси оилага мансублиги аҳамиятсиз эканлиги.

Тилларни типологик ўрганишда ёндашувлар

Тилларни типологик ўрганишдаги тўрт ёндашув (таснифий, характерологик, белгили, ички тизим).

Таснифий ёндашув

Тилларни морфологик таснифи тилларнинг морфологик хусусиятларини – ўзак ва қўшимчаларни ўзаро зид олган ҳолда ўрганадиган ёндашув эканлиги. Таснифий ёндашувнинг тил типларини аниқлашдаги аҳамияти. Таснифий ёндашув тилларнинг типлари, яъни агглютинатив, флектив ва бошқа типга мансублигини аниқлашнинг асосий мезони сифатида.

Характерологик ёндашув

Характерологик ёндашув тиллардаги муҳим хусусиятлар ва жихатлар аниқланишининг назарда тутилиши. Хусусиятлар тилга баҳо бериш асос бўлиши.

Белгили ёндашув

Тиллардаги муайян белгиларни аниқлаш. Ёндашув асосида тилда мавжуд бўлган алоҳида ходиса ва сатҳларнинг аниқланиши. Фонетик типология, лексик типология, морфологик типология, синтактик типология ва бошқалар.

Ички тизим ёндашуви

Мазкур ёндашув муайян тилдаги алоҳида ходисалар ёки тил бирликлари ҳамда сатҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тадқиқ этилишига асосланганлиги..

Қиёсий тилшуносликнинг Ўзбекистонда ривожланиши

Россияда қиёсий тилшуносликнинг ривожланиши. Рус олимларининг қиёсий тилшуносликка қўшган ҳиссаси.

Ўзбекистонда қиёсий тилшуносликнинг ривожланиши. Бўронов Ж.Б. қиётий типология ва қиёсий тилшунослик йўналиши бўйича илмий мактабига Ўзбекистонда қиёсий тилшуносликнинг ривожланишига Абдуазизов А.А., Юсупов У.Қ., Ирисқулов М.Т., Содиқов А.С. ва бошқаларнинг умумий ва қиёсий тилшуносликка қўшган ҳиссаси.

Хорижий тилларни ўрганишда қиёсий тилшуносликнинг ўрни. Тилларни қиёсий ўрганишни ривожлантиришнинг Ўзбекистондаги истиқболлари.

Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишга давлат даражасида қаралиши ва бу соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг тегишли ҳужжатларининг қабул қилиниши.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- ◆ Қиёсий тилшунослик илмий фан сифатида
- ◆ Қиёсий тилшуносликда қўлланадиган термин ва атамаларнинг тузилиши.
- ◆ Диахрон ва синхрон тадқиқ методлари
- ◆ Қиёсий-тарихий метод
- ◆ Қиёсий-тарихий методнинг хусусиятлари
- ◆ Типологик методнинг хусусиятлари
- ◆ Тасвирий метод
- ◆ Чоғиштириш методи
- ◆ Трансформацион таҳлил методи
- ◆ Компонент таҳлил методи
- ◆ Ўзбекистонда қиёсий тилшуносликнинг ривожланиш босқичлари

- ◆ **Таржимада эквивалентлик ва адекватлик мезонлари аниқлашда қиёсий тилшуносликнинг ўрни**

Семинар машғулотлари турли манба, маълумот ва ахборотлар асосида амалга оширилиши лозим. Талабаларнинг асосий эътибори қиёсий тилшуносликда қўлга қиритилган ютуқлар, пайдо бўлган янги ёндашувлар ва мазкур фаннинг таржима назариясида тутган ўрнига қаратилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш буйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш буйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Таржиманинг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик қийинчиликлари бўйича маълумот тўплаш, чет тили, она тили ва рус тилини қиёслаш ҳамда унинг натижаларини таржимада қўллаш, икки, уч ва кўп тилли илмий -техникавий луғатлар билан ишлаш, таржиманинг ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, илмий- техникавий матнларни ёзма таржима қилиш ва тақдим қилиш, илмий- техникавий таржимоннинг “сохта дўстлар” рўйхатини тузиш, турли техникавий глоссарийлар тузиш фан бўйича мустақил таълим мазмунини ташкил этади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Қиёсий тилшуносликнинг умумий тилшуносликни ривожлантиришдаги аҳамияти;
- Қиёсий тилшуносликда қўлландиган методлар ва уларнинг хусусиятлари;
- Қиёсий-тарихий метод ва унинг хусусиятлари;
- Типологик метод ва унинг хусусиятлари;
- Ўзбекистонда қиёсий тилшуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшаган олимлар;
- Махмуд Қошғарий ва Алишер Навоийнинг қиёсий метод элементларини тилшуносликда илк бор қўллаш тарихи;
- Ўзбекистонда қиёсий тилшунослик бўйича чиққан адабиётлар шарҳи;
- Қиёсий тилшунослик ва таржима назарияси фанларининг ўзаро алоқалари;

- Қиёсий тилшуносликнинг хорижий тилларни ўрганишдаги аҳамияти;
- Ф.Бопп, Расмус Раск, Я.Гриммнинг қиёсий-тарихий тилшуносликка қўшган ҳиссаси;
- Қиёсий тилшуносликда диахрон ва синхрон тадқиқот методларининг қўлланиши.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
 - кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Хорижда ва республикамизда нашр этилган илмий адабиётлар, махсус журналлар ва илмий мақолалар тўплами, бадиий таржимага бағишланган интернет сайтларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т., 2015.
2. Fayzullayeva E.M., Saidova M.S., N.A.Mavlyanova. The Guidebook on Comparative Typology of the English, Turkic and Russian Languages. – Т., 2010.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ирискулов А.Т. Умумий тилшунослик. – Т., 2012.

Интернет сайтлари

1. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
2. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
3. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
4. <http://tpot.ru/index.html>
5. <http://www.langinfo.ru>
6. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
7. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>

¹ Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инobatга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

